O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ DEPUTATLARI
YAKKASAROY TUMAN
KENGASHIINING

**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
**РЕШЕНИЕ**
ЯККАСАРАЙСКОГО РАЙОНОГО
КЕНГАША НАРОДНЫХ
ДЕПУТАТОВ

№ 236/23-2

2020 yil «31» декабря

**2021 йил учун Яккасарой туман**
**маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Бюждет кодексининг 99-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунига асосан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 26 декабрдаги KL21130661-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 30 декабрдаги 01-3/2320-сонли хатлари, шунингдек Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги 254/30-6-сонли қарорига мувофиқ, Халқ депутатлари Яккасарой тумани Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) 2020 йил 25 декабрда ЎРҚ-657-сон билан тасдиқланганлиги қайд этиб ўтилсин .

Ушбу Қонуннинг мақсади 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2. Қонунга асосан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2020 йил 30 декабрда «2021 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида»ги 254/30-6-сонли қарори (бундан буён матнда Қарор деб юритилади) тасдиқланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Қонунга асосан 2021 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент шаҳар ва туман маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

бензин, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

мобил алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар тегишли равишда 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ахолисининг республика аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

б) Солиқларнинг қуйидаги турлари туман маҳаллий бюджетига тўлиқ хажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мол-мулкларни ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

4. Қарорнинг:

4-иловасига мувофиқ, туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари тасдиқланганлиги;

7-иловасига мувофиқ, 2021 йил учун туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори 1 075,7 млн.сўм этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. 2021 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2021 йил учун ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қонуннинг 8-моддасига асосан 2021 йил учун туман маҳаллий бюджетининг заҳира жамғармаси ҳажми 711362,0 минг.сўм миқдорида тасдиқлансин.

Туман маҳаллий бюджетининг заҳира жамғармаси маблағлари тегишли бюджетларда кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши инобатга олинсин.

7. Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ва туманлар бюджетларида шаклланган қўшимча манбалардан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда шаҳар ҳамда туманлар Кенгашлари томонидан шаҳар ва туманлар ҳокимликлари таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий

соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилиниши эътиборга олинсин.

8. Қонуннинг 13-моддасига асосан Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат Тошкент шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин.

9. Молия органи:

ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

бюджет маблағларидан мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатсин, зарур ҳолларда, қонунчиликда белгиланган тартибда, бюджет маблағларини мақбуллаштириш бўйича тегишли чораларни кўрсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда веб-сайтларга жойлаштирсин ҳамда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни, ўрнатилган тартибда молиялаштиришга йўналтирилишини таъминласин.

10. Ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилари тегишли равишда бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини туман Кенгашига тақдим этилишини таъминласин.

11. Туман ҳокимлиги:

чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Тошкент шаҳар ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади ҳамда бу таклиф Қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичлари бўйича бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш тўғрисида туман Кенгашига маълумотлар киритсин.

12. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва

ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

13. Мазкур қарор 2021 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Халқ депутатлари**
**Яккасарой туман Кенгаши раиси** **А.Сайфутдинов**

Тошкент шаҳри,
Яккасарой тумани
2020 йил _____ декабрь
№ _____

Халқ депутатлари
Яккасарой туман Кенгашининг
2020 йил 31 декабрдаги
236/23-2-сонли қарорига
1-илова

**2021 йил учун Яккасарой туман**
**маҳаллий бюджети даромадларининг прогноз кўрсаткилари**

| | | *минг.сўм* |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Кўрсаткичлар** | **Миқдори** |
| | **ЖАМИ** | **71 682 198** |
| 1 | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 7 871 836 |
| 2 | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи | 5 966 917 |
| 3 | Айланмадан олинадиган солиқ | 7 113 619 |
| 4 | Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан акциз солиғи | 26 311 581 |
| 5 | Юридик шахсларниниг мол-мулкига солинадиган солиқ | 2 894 884 |
| 6 | Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи | 2 979 782 |
| 7 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 2 629 107 |
| 8 | Уяли алоқа хизмати учун акциз солиғи | 3 435 005 |
| 9 | Алкоголь, шу жумладан пиво маҳсулотлари учун акциз солиғи | 6 361 086 |
| 10 | Жисмоний жахслардан олинадиган даромад солиғи | 3 610 641 |
| 11 | Тадбиркор жисмоний шахслар томонидан тўланадиган даромад солиғи | 2 507 740 |

Халқ депутатлари
Яккасарой туман Кенгашининг
2020 йил 31 декабрдаги
236/23-2-сонли қарорига
2-илова

**2021 йил учун Яккасарой туман бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари**

*минг сўм*

| Т/р | Кўрсаткичлар | Сумма |
|---|---|---|
| | **Жами** | **71 682 198** |
| 1 | Маориф соҳаси | 16 039 447 |
| 2 | Соғлиқни сақлаш соҳаси | 30 788 232 |
| 3 | Маданият ва спорт соҳаси | 3 253 092 |
| 4 | Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар | 1 860 240 |
| 5 | 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглаштирилган шахслар учун асосий турдаги озиқ-овқат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари | 18 209 |
| 6 | Ижтимоий кўникма марказлари | 109 245 |
| 7 | Ободонлаштириш соҳаси | 11 120 739 |
| 8 | Давлат бошқарув органларини сақлаш | 5 588 390 |
| 9 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш | 2 193 242 |
| 10 | Маҳаллий бюджетнинг заҳира жамғармаси | 711 362 |